

Бухоро вилояти бўйича истиқболли режалар белгилаб олинди



Президент Шавкат Мирзиёев Бухоро халқаро аэропорти биносида мутасадди раҳбарлар иштирокида йиғилиш ўтказди.

Худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жумладан, бугунги мураккаб шароитда аҳолини иш билан таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, пандемия сабабли зарар кўрган иқтисодиёт тармоқларини тиклаш масалалари

батафсил кўриб чиқилди.

"Темир дафтар", "ёшлар дафтари" ва "аёллар дафтари" тизимларида бажарилаётган ишлар муҳокама қилинди.

– Бугун худудларимизда ёшлар ва аёллар муаммоларини чуқур таҳлил қилиш ва самарали ҳал этиш кун тартибидаги энг асосий масалалардан бири бўлиб қоляпти. Мақсадимиз – инсон кадр-қимматини жойига қўйиш, – деди давлатимиз раҳбари.

Пандемия даврида Бухоро вилоятига хориждан қайтиб келган 8 минг фуқародан 7 минг нафари иш билан таъминланди. Бандлик масаласи изчиллик билан ҳал этиб борилиши юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда инвестицион лойиҳалар ва экспорт масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, жорий йилда Бухоро вилояти бўйича 571 та шундай лойиҳа амалга оширилиш, бу билан 14 минг иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Йил якуни бўйича экспорт ҳажми 184 миллион долларни ташкил этиши кутилмоқда.

Мамлакатимизнинг ҳар бир худуди каби Бухоро замини ҳам улкан қурилиш майдонига айланган. Биргина вилоят марказининг ўзида 700 та объект барпо этилмоқда.

Йиғилишда таъкидланганидек, асосий мақсад – Бухорода бошланган кенг миқёсли ислохотларни жадал давом эттириш.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича амалга оширилаётган ва режалаштирилган ишлар тўғрисида мутасаддиларнинг ҳисоботлари эшитилди, уларни ўз вақтида ва самарали бажариш борасида қўшимча топшириқлар берилди.

Йиғилишдан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Тошкентга жўнаб кетди.

[ЎЗА](#)